

Ҳазрати Алийнинг ҳаётлари ва Исломга киришлари



13:28 / 18.11.2024 2072

Насаблари: Алий ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай.

У кишининг оналари: Фотима бинт Асад ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай розияллоҳу анҳо.

Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу таваллуд топган йиллари Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттиз ёшга кирган эдилар.

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғиллари, қизлари Фотиманинг умр йўлдошлари ва жаннат башорати берилган ўн кишининг бири эдилар. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ёшликларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида

тарбия топдилар. Ўн ёшларида мусулмон бўлдилар. У киши ёш болалардан биринчи Исломга кирган зотдирлар. Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху Ислом таълимотлари асосида ўсиб-улғайдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳижратлари даврида ўлимдан қўрқмасдан, у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг ўринларига кириб, тўшакларида ётдилар. Шу билан бирга, у киши Исломда биринчи фидойи инсон сифатида, Аллоҳ йўлида ўзини фидо қилишга тайёр шахс сифатида танилдилар.

Вақт етиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлган омонатларни олиб, ҳаммасини эгаларига топшириб, кейин Мадинаи мунавварага ҳижрат қилдилар.

Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху барча жанглarda Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга қатнашган энг катта қаҳрамонлардан бири эдилар. У кишининг шижоатлари зарбулмасал бўлиб кетган.

Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху фасоҳатда ниҳоятда юқори нуқтада, илмда етук олим эдилар.

Ҳазрати Алий розияллоху анхунинг фазилатлари ҳақида жуда кўп ҳадислар келган.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоху анхунинг даврларида у киши билан бирга бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакр розияллоху анху у кишидан рози ҳолда вафот этдилар.

Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг халифалик даврида ҳазрати Алий розияллоху анху ҳар доим у киши билан бирга бўлдилар. Ҳазрати Умар розияллоху анху ҳар бир ишда у киши билан маслаҳатлашар эдилар. Ҳазрати Умар розияллоху анху пичоқланганларидан кейин ўзлари айтган олти кишилиқ маслаҳат кенгашининг ичида ҳазрати Алий розияллоху анху ҳам бор эдилар. Улар Умар розияллоху анхудан кейин мусулмонларга ким халифа бўлишини хал қилишлари керак эди. Шунда ҳазрати Усмон розияллоху анху халифа этиб сайландилар. Ҳазрати Алий розияллоху анху эса у кишининг ёнларида давлат ишларини юритишда ёрдамчи бўлдилар. Ҳазрати Усмон розияллоху анху қамал қилинганларида ҳазрати Алий розияллоху анхунинг ўғиллари у кишининг мудофаачиларидан бўлишди.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.